



БОЛАЛАРДА ХАЁЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

Худайбергенова Гулистан Худияровна

*Ажиниёз номидаги НДПИ, Гуманитар ва ижтимоий фанларни масофадан ўқитиш
кафедраси*

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.15079262>

Давлатимизнинг юксалиши, ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига, ҳар томонлама ривожланган, интеллектуал ва креатив фикрлайдиган ёшларни ётишиб чиқиши зарур бўлади. Шундай экан, келажак авлодни тарбиялашда уларни иродали, қобилиятли ва мустақил фикрлайдиган қилиб ўстириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Болаларимизнинг интеллектуал, ҳар томонлама мураккаб ҳаётий вазиятларни осон енгиб ўта оладиган, ижодкор бўлиб етишишида уларни ёшлик чоғиданоқ бериладиган эътибор ва қўллаб-қувватлаш катта аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, болаларни илк ёшлик давларидан бошлаб таълим ва тарби бериб бориш аҳамиятли.

Давлатимиз раҳбари томонидан ушбу масала эътиборсиз қолмасдан, бу борада бир қанча қарор ва фармойишлар қабул қилинди. Буларга мисол сифатида, мактабгача ёшдаги ҳар бир бола мактабга бормастан туриб зарур таълим ва тарбияни олиши керак эканлигини тасдиқлаб, мактабгача таълимни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ- 2707-сон «2017 -2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ—3955-сон “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391 – сонли «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари қабул қилинди. Бу ишларни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш учун алоҳида Мактабгача таълим вазирлигининг ташкил этилиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Мактабгача ёш даври боланинг атроф – муҳитни ўрганиши, дунёни таниши ва бўлаётган воқеаларни англаши учун сензитив давр ҳисобланади.

Асосан мана шу даврдан бошлаб боланинг мустақил фаолияти кучая бошлайди ва шу даврдан бошлаб боланинг бундан кейинги бутун шахсий ҳаёти



давонида таркиб топиб борадиган индивидуал хусусиятлари ҳам юзага кела бошлайди. Шу сабабли ҳам инсоннинг ҳар томонлама камол топиб бориши ва хусусан, психик жиҳатдан ривожланиши боғча ёшидаги даврида олган таълим тарбиясига боғлиқ бўлади.

Болаларда креатив қобилиятларини шакллантириш учун уларда хаёл ва тасаввурларини ривожлантириш катта аҳамиятга эга.

Хаёл деб одамнинг онгида илгаридан бор бўлган вақтли алоқаларнинг (ассоциацияларни) қайтадан тикланиши ва бир – бири билан янгича қўшилиши орқали нарса ва ҳодисаларнинг янги образларини ҳосил қилишга айтилади.

Хаёл – образ тасаввур ёки ғоя шаклида янги нарсанинг яратилиши, онг фаолияти, яъни илгари қилинмаган нарсаларнинг образларини мавжуд тасаввурлар асосида миёда яратишда ифодаланадиган фаолиятдир [Хайдаров;220].

Хаёлнинг ривожланиши учун болани турмуш тажрибаси, тасаввури ва жуда кўп билимлар зарур бўлади. Хаёл жараёнлари инсоннинг тажрибаси ва билим доираси, шунингдек ўтмиш тажрибалари билан белигланади. Хаёлни ривожлантириш бевосита бир бутун шахсни ривожлантириш билан боғлиқ.

Хаёл бўйича тадқиқот ишларини олиб борган француз психологи Рибо хаёлни ривожлантириш қонуниятлари бўйича ўзининг изланишларини келтириб ўтган. Рибонинг таъкидлашича, ижодий хаёл ўзининг ривожланишида учта даврни ёки фазани босиб ўтади. Биринчи давр – болалик, ўсмирлик ва ёшликни қамраб олади – бу ўйинлар, эртаклар, романтизм, хаёлотнинг ҳукмронлик даври. Иккинчи давр бадиий уйдурмаларнинг, субъектив хаёлнинг объектив тафаккур билан тўкнашуви, оқилона бўлиш билан тавсифланади. Ва ниҳоят учинчи даврда хаёл ақлга тўлиқ буйсинади ва унинг ўрнига бошқаси келади [Петровский; 43].

Хаёл процесининг дастлабки кўринишлари болада 2 ёшга келиб, 3 ёшга қадам қўйганида кўрина бошлайди. Икки ёшли болаларда кўринадиган дастлабки хаёл маълум бир мақсадни кўзламайдиган ихтиёрсиз хаёлдир [Зуфарова;83].

Болалар хаёлининг ўсишида нутқнинг аҳамияти катта. Бола теварак – атрофидаги кишиларнинг сўзларини яхши тушинадиган бўлиб, ўзларининг тасаввурларини фақат ихтиёрий идрок қилган нарсалар орқалигина эмас, балки катталарнинг нутқи орқали ҳам тўлдириб боради. Шунингдек, болага тушинарли бўлган ҳикоя ва эртакларни тинглаш ҳам уларнинг хаёлини ўстиришга ёрдам берадиган хилма – хил ва аниқ тасаввурлар ҳосил бўлишини



кўрсатади. Боланинг атрофидаги катталар ва тарбиячилар томонидан ҳар хил ҳикоялар ва эртақларни ўқиб бери шва уни бола билан биргаликда муҳокама қилиш ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Боғча ёшидаги болаларда хаёл бир хилда ривожланмайди. Агар кичик ёшдаги боғча болаларида асосан тикловчи хаёл ўсган бўлса, ўрта ва ката ёшдаги боғча болаларида хаёлнинг ижодий тури ҳам ўса бошлаган бўлади [Зуфарова;84].

Ижодий хаёл – деб тажрибамизда бўлмаган ва воқеликнинг ўзида ҳам учратмаган нарса ва ҳодисалар ҳақида тасаввур ҳамда образлар яратишдан иборат хаёл турига айтилади.

Ижодий хаёл мураккаб акс эттириш жараёни бўлиб, одамнинг ҳаётида жуда ката аҳамиятга эгадир. Одам ўзининг ижодий хаёли орқали бирор янги, шу пайтгача кўрилмаган нарса яратади [Хайдаров;223].

Ҳаёлнинг ижодий фаолияти бевосита инсоннинг бой ва ҳар томонлама бошидан ўтказган тажрибасига боғлиқ бўлади. Инсоннинг тажрибаси қанча кўп бўлса, унинг ҳаёлини эгаллайдиган нарсалар ҳам шунча кўп бўлади. Манна шунинг учун ҳам, болаларда хаёл катталарга нисбатан ночорроқ эканлиги, бу эса уларда тажрибанинг етарли эмаслигини англатади [Выготский;10].

Шундай экан биз болаларда мустақкам ижодий фаолиятга асос солмоқчи бўлсак, болаларнинг тажрибасини оширишимиз даркор. Бола қанча кўриб, эшитиб ва бошидан ўтказиб, билиб ва ўзлаштириб олса, ўз тажрибасида шунча кўп миқдорда билимларга эга бўлиб, ҳаёли эса мазмунлироқ ва ўнимлироқ бўлади.

Боғча ёшидаги болаларнинг ҳаёли асосан ихтиёрсиз ва тикловчи хаёл бўлиб, уларнинг турли – туман ўйин фаолиятларида ўсиб боради. Бироқ шу нарса диққатга сазоворки, агар боғча ёшидаги болаларда хаёл қилиш қобилиятлари уларни турли хил ўйинлар ўйнашга ундаса ўйин ўз навбатида уларнинг ҳаёлини ўстиради. Болалар ҳаётида ўйин ўз ичига ҳам тақлидни, ҳам тажрибани қамраб олади. Агар биринчиси ўйиннинг таълимий ва ҳамкорликдаги хусусиятларини ташкил этса, иккинчиси ўйин имкониятларини ижодий равишда акс эттиради.

Шунингдек, боғча ёшидаги болаларнинг ҳаёли улар томонидан бажариладиган ҳар хил машғулотларда ҳам ўсиб боради. Масалан, болалар лой ва пластилин ўйнашни, яъни лой ва пластилиндан турли нарсалар қуришни, ясашни қумдан турли нарсалар қуришни, расм чизишни яхши кўрадилар. Бу



машғулотларни бажариш орқали ҳам болаларда ижодий хаёлини ўстиришга ёрдам беришимиз мумкин.

Болаларнинг расм чизиш машғулотлари уларнинг хаёлини ўстиришга жуда катта таъсир кўрсатади. Кичик ёшдаги боғча болаларида ҳали ижодий хаёлнинг йўқлиги уларнинг расм чизишда яққол кўринади. Масалан, кичикёшдаги боғча болаларнинг чизган расмлари ҳамма вақт уй рўзғор мавзуларидан нарига ўтмайди. Чунки бу ёшдаги болалар ҳар куни кўриб турадиган нарсалари ҳақидагина хаёл қила оладилар. Ўрта ва хусусан, катта гуруҳ болаларининг расм чизишларида ижодий хаёлнинг юзага келиши аниқ кўринади. Улар расм чизишда тор уй – рўзғор мавзулари билан чекланиб чизмай, узоқ ўтмиши ва келажакдаги нарсаларга оид расмлар ҳам чизадилар. Бу ёшдаги болалар ўз ўйинларида ва солган чизмаларида катта одамларнинг турли – туман фаолиятларини мустақил тавирлашга интиладилар. Бундай пайтда улар фақат хаёлий тасаввур этиш ёки тақлид қилиш билан чекланиб қолмай, балки ўзлари ижодий равишда янгиликлар ҳам қўшиб берадилар [Зуфарова;85].

Боғча ёшидаги болаларнинг хаёлини ривожлантиришда ҳар хил мазмундаги қизиқарли эртақлар, хаётий воқеа ва ҳикоялар катта таъсир кўрсатади. Шундай экан, эртақларнинг тарбиявий аҳамиятини назарда тутиб, педогог – тарбиячилар болаларга эртақ айтиб бериш ва ўқиб беришга алоҳида этибор билан қарашлари лозим.

Шундай қилиб, хаёл боғча ёшидаги болаларнинг тараққий этишларида катта ўринни эгаллайди. Боғча ёшидаги боланинг хаёлини ривожлантириш уларда креатив фикрлашни, мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олиши, ҳар томонлама баркамол шахс сифатида шаклланишига ўз таъсирини беради. Шунинг учун мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва амалиётчи психологлар болаларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб, улар билан психологик коррекцион ва ривожлантирувчи машқларни олиб боришса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Выготский Л.С. Воображений и творчество в детском возрасте: Психол.очерк:- М.:Просвещение, 1991.-93с.
2. М.Зуфарова ва бошқ. Болалар психологиясининг муаммолари. Т. 2008
3. Петровский А.В. Роль фантазии в развитии личности: -М.:Знание, 1961.
4. F.Хайдаров, N.Halilova. Umumiy psixologiya. Т. 2009